Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 52 (129) • 2007 йил 28 декабрь

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.




## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ – МУҲИМ ЖАРАЁН

***Бугунги кунда қонун лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги ғоят масъулиятли, заҳматли ва ўз навбатида ўта нозик фаолиятнинг асосий қисми асосан Парламентнинг Қонунчилик палатасида кечади, десак муболаға бўлмайди. Мустақиллик йилларида 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Ўтган йиллар давомида миллий қонунчилигимиз ўзбек адабий тили замирида шаклланди ва ҳозир ҳам ана шу негизда тараққий этиб бораётир. Қонун ҳужжатларининг она тилимизда тайёрланиши жараёнлари ҳақида яқинроқ танишиш мақсадида биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девонининг Матбуот ва таржима бўлими мудири Саида ЖЎРАЕВА билан суҳбатлашдик.***



***– Саида Абдукомиловна, ҳар қандай мамлакат ҳаётида энг муҳим ҳужжатлар – кодекслар, қонунлар ва бошқа қонуний ҳужжатларнинг дунёга келиши энг жиддий жараёнлардандир, тўғри эмасми?***

– Фикрингизга қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам қонун яратувчилик амалиёти кишидан ўта юқори малакани талаб қилади. Бу ишда айниқса сўз қуввати, миллий тилимизнинг барча имкониятларини билиб-англаб, ундан тўлақонли фойдаланиш керак. Баъзан ўзбек тилининг қонун-қоидалари, унинг имкониятлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган айрим олимларимиз бизда миллий қонун тили йўқ, у шаклланмаган деб фикр билдиришади. Бу фикрга шахсан мен қўшилолмайман, чунки шу вақтгача қабул қилинган 400 дан зиёд қонун бундай фикрларни инкор этади. Қонунларимиз, албатта, ўзбек адабий тили грамматикаси, стилистикаси, орфографияси қоидаларига бўйсунади. Умуман, бадиий адабиёт намунаси бўладими, публицистик асарларми ёки расмий ҳужжатларми, қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси қайси тилда ёзилаётган бўлса, ўша тил қонун-қоидаларига бўйсуниши шарт. Бизда ҳам амалиётда ана шу қоидага қатъий риоя қилинаётир.

***– Маълумки, Сиз Матбуот ва таржима бўлими мудири сифатида тайёрланаётган қонунларнинг энг дастлабки босқичидан бошлаб, охирги нуқтаси қўйилгунига қадар бўлган жараёнларда фаол қатнашасиз, Қонунчилик палатасининг фракция ва қўмиталаридаги мажлисларидан тортиб, қонун лойиҳаларининг ялпи мажлисдаги муҳокамасида ҳам иштирок этасиз. Айтинг-чи, бу жараёнларда энг кўп учрайдиган муаммолар қайсилар?***

– Биз одатда, ўзбек тили қонун-қоидаларини қонунчилик техникаси қонун-қоидаларига бўйсундиришга уринамиз. Лекин аслида бунинг акси бўлиши керак. Яъни, қонунчилик техникаси ўзбек адабий тили қонун-қоидаларига мос тушиши лозим.

Бугунги кунда қонунларнинг тили, стилистикаси, юридик атамаларнинг қўлланилишини рисоладагидек деб ҳисобласак-да, баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Қонунларнинг тили янада мукаммал бўлишига эришиш учун биринчи галда ҳам ўзбек тилини, ҳам хорижий тилларни мукаммал биладиган, ҳуқуқ илмини пухта эгаллаган ва ўзбек тилида қонун ёза оладиган мутахассисларнинг камлигидир. Тегишли ўқув юртларида ана шундай мутахассислар тайёрлашга бугун жиддийроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Биз қонун лойиҳаларини тайёрлашда, юридик атамаларни қўллашда асосан қуйидаги принципларга таянамиз:

1) ўзбек адабий тили қоидаларига амал қилиш, қўлланилаётган атамаларнинг моҳиятига эътибор бериш;

2) атамалардан юридик атама сифатида фойдаланишда уларнинг луғавий маъносини ўрганиш ва бунда эринчоқлик, эҳтиётсизликка йўл қўймасликка ҳаракат қилиш;

3) қонун тилидаги аниқлик, халқчиллик, барча учун тушунарли бўлишга эришиш;

4) атамаларнинг қўлланилишида бирхилликка, изчилликка амал қилиш, бир тушунчанинг бир қонунда икки хил сўз билан яъни синоним орқали ифодаланишига йўл қўймаслик. Масалан, Фуқаролик кодексининг русча матнидаги «исключительные права» атамаси ўзбекча матннинг айрим жойларида «алоҳида ҳуқуқлар», айримларида «мутлақ ҳуқуқлар» деб ифодаланган, «уведомление» – билдириш, билдиришнома, хабардор қилиш, огоҳлантириш деб қўлланилган. Ёки суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунларда эса протест келтириш, протест билдириш тарзида икки хил ифодаланган. Бизнинг фикримизча, битта қонундаги бир тушунча унинг бошидан то охиригача битта сўз билан ифодаланиши шарт. Яна шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир қонун доирасида қабул қилинган муайян сўз бошқа қонун учун тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, русча «изолятор» деган сўзни оладиган бўлсак, у жиноятга доир қонунларимизда «ҳибсхона» деб қўлланилган. Лекин бу сўз соғлиқни сақлашга оид қонунларда ҳам учрайдики, бу ўринларда биз уни яна шундай ҳолда қўллай олмаймиз;

5) жумлаларнинг фақат битта маънони англатишига эришиш, яъни қонунда ифодаланаётган норманинг икки хил талқин этилишига йўл қўймаслик;

6) янги кириб келаётган халқаро атамаларни биринчи навбатда адабий тил қоидаларига мослашга, уларнинг ўзбек тилидаги муқобилини топиб қўллашга ҳаракат қилиш ва бунинг имконияти бўлмаган тақдирдагина халқаро тан олинган иборалардан фойдаланиш.

Шу ўринда Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунларнинг терминологияси, тили устида ишлашда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг фаолияти катта ёрдам бераётганлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Бир палатали Олий Мажлис фаолият кўрсатаётган даврда Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур Комиссия ҳозир ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бу Комиссия таркибига иқтисодчи, ҳуқуқшунос, тилшунос малакасига эга бўлган депутатлар киритилган. Ушбу комиссия томонидан ўтказиладиган муҳокамаларга қонун лойиҳасига дахлдор бўлган соҳа мутахассисларининг ҳам жалб этилиши кўплаб атамаларнинг моҳиятини тушуниб ўз ўрнида қўллаш имкониятини бермоқда.

***– Қонун ижодкорлиги соҳасида кўплаб самарали натижаларга эришилганига қарамай, ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз, изланишларимиз ҳам етарли экан-да...***

– Албатта, бу соҳа уммон сингари кенг ва тубсиздир, изланган сари мукаммалликка эришиб борилаверади. Бу йўналишда, менимча, бажарадиган вазифаларимиз ҳали анчагина. Хусусан, миллий қонунчилигимизда қўлланиладиган юридик атамаларнинг мукаммал луғатини нашр этиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий-лингвистик экспертизадан ўтказишни йўлга қўйиш зарур; юристларни тайёрлашда уларга ҳуқуқий атамашунослик мавзуси бўйича махсус курс киритилиши мақсадга мувофиқ; агар халқаро атамаларнинг мазмунини ўзбек тилида тўлиқ ифодалаш қийин бўлса, уларнинг ўзини қўллаш ва бунда албатта уларнинг изоҳини бериш; қолаверса, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектидан қабул қилиб олинаётган қонунлар лойиҳаларининг тилига нисбатан талабни кучайтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

***– Қизиқарли, ўта аҳамиятли, айни вақтда ўзига яраша машаққатли ишларга бой бўлган 2007 йил ҳам ортда қолаётир. Янги йил учун тилакларингиз билан ўртоқлашсангиз...***

– Тилагим шуки, қонунларимиз йилдан йилга мукаммаллашиб бориши билан бирга, уларнинг ижроси ҳам тўлиқ амалга ошсин. Халқимиз қонунга итоаткор халқ. Қонунларга ҳурмат муносабати ёш авлодимизда ҳам шакллансин. Йил давомида «Норма маслаҳатчи» газетаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини чуқур ва изчил ёритиб борди, ана шу ҳамкорлигимиз келгуси йилда янада мустаҳкам бўлсин. Газетангиз ўқувчиларига соғлик-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилаб қоламан.

***«СБХ» мухбири Нодир АЛИМОВ суҳбатлашди.***

*«Норма маслаҳатчи»нинг келгуси 1(130)-сони 2008 йил 11 январда чиқади.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 25 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1110,95 | 1 Малайзия ринггити | 385,72 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2587,87 | 1 Польша злотийси | 513,56 |
| 1 Дания кронаси | 248,94 | 1 СДР | 2020,42 |
| 1 БАА дирҳами | 351,26 | 1 Туркия лираси | 1085,49 |
| 1 АҚШ доллари | 1290,00 | 1 Швейцария франки | 1118,24 |
| 1 Миср фунти | 233,74 | 1 ЕВРО | 1856,83 |
| 1 Исландия кронаси | 20,40 | 10 Жанубий Корея вони | 13,73 |
| 1 Канада доллари | 1284,22 | 10 Япония иенаси | 113,99 |
| 1 Хитой юани | 175,03 | 1 Россия рубли | 52,28 |
| | | 1 Украина гривнаси | 255,45 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 26.12.2007 | 1 | 0,8455 | 1 | 1,2186 | 1 | 0,0342 |
| Арманистон | 26.12.2007 | 1 | 304,27 | 1 | 438,09 | 1 | 12,31 |
| Беларусь | 27.12.2007 | 1 | 2153,00 | 1 | 3104,84 | 1 | 87,16 |
| Грузия | 27.12.2007 | 1 | 1,5915 | 1 | 2,294 | 1 | 0,0644 |
| Қозоғистон | 27.12.2007 | 1 | 120,94 | 1 | 174,37 | 1 | 4,90 |
| Латвия | 27.12.2007 | 1 | 0,489 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0198 |
| Литва | 22.12.2007 | 1 | 2,3987 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,7033 |
| Молдова | 26.12.2007 | 1 | 11,3174 | 1 | 16,2932 | 1 | 0,4578 |
| Тожикистон | 27.12.2007 | 1 | 3,4639 | 1 | 4,9873 | 10 | 1,4013 |
| Ўзбекистон | 25.12.2007 | 1 | 1290,00 | 1 | 1856,83 | 1 | 52,28 |
| Украина | 26.12.2007 | 100 | 505,00 | 100 | 727,099 | 10 | 2,0429 |
| Эстония | 26.12.2007 | 1 | 10,8944 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,44016 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2007 йил 25 декабрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1300,00 | 1302,00 | 1857,00 | 1877,00 |
| "Асака" банки | 1300,00 | 1302,00 | 1857,00 | 1862,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1301,00 | 1303,00 | 1858,00 | 1868,00 |
| "Пахта Банк" | 1300,00 | 1302,00 | 1870,00 | 1875,00 |
| "Халқ банк"и | 1300,00 | 1302,00 | 1906,71 | 1911,20 |
| "Ипотекабанк" | 1301,00 | 1303,00 | 1858,00 | 1865,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1300,00 | 1301,00 | 1871,00 | 1873,00 |
| "UzKDBбанк" | 1300,00 | 1303,00 | 1857,00 | 1884,00 |
| "Ғаллабанк" | 1301,00 | 1303,00 | 1891,00 | 1900,00 |
| "Трастбанк" | 1301,00 | 1303,00 | 1857,00 | 1867,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1300,00 | 1302,00 | 1871,00 | 1874,00 |
| "Алоқабанк" | 1301,00 | 1303,00 | 1858,00 | 1887,00 |
| "Ў-Т банк" | 1300,00 | 1303,00 | 1857,00 | 1882,00 |
| "Туронбанк" | 1300,00 | 1302,0 | 1855,00 | 1865,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1300,00 | 1302,00 | 1857,00 | 1900,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1301,00 | 1303,00 | 1872,66 | 1875,54 |
| "Микрокредитбанк" | 1301,00 | 1303,00 | 1873,00 | 1876,00 |
| "Туркистон" банк | 1300,00 | 1303,00 | 1857,00 | 1900,00 |
| "Даврбанк" | 1295,00 | 1298,00 | 1857,00 | 1877,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1301,00 | 1303,00 | 1857,00 | 1884,00 |
| "Капитал банк" | 1301,00 | 1303,00 | 1856,90 | 1884,00 |
| "Содерат банк" | 1300,00 | 1303,00 | 1857,00 | 1990,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1300,00 | 1302,00 | 1800,00 | 1900,00 |
| "Универсалбанк" | 1300,00 | 1303,00 | 1871,00 | 1875,00 |
| "Парвинабанк" | 1300,00 | 1303,00 | 1859,00 | 1862,00 |
| "Равнақбанк" | 1300,00 | 1303,00 | 1857,00 | 1877,00 |

***«Банк ахборотномаси» 52-сон (607) 2007 йил 26 декабрь.***

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
СБ/04-01-32-14/972-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
16/1-13631-сон

*2007 йил 27 декабрь*

## АХБОРОТ ХАБАРНОМАСИ

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси амалга киритилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг электрон версияси Молия вазирлиги (www.mf.uz) ва Давлат солиқ қўмитаси (www.soliq.uz) сайтларида жойлаштирилган.

2. Янги Солиқ кодексининг қабул қилиниши муносабати билан барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича янги солиқ ҳисоботи жорий этилади.

Солиқ ҳисоботининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилганидан кейин барча солиқ тўловчилар эътиборига етказилади.

3. 2007 йил учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар 2007 йилда амал қилган тартиб ва шаклларга мувофиқ тақдим этилади.

4. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг янги Солиқ кодекси жорий этилиши муносабати билан ўз кучини йўқотган идоравий меъёрий ҳужжатлари рўйхати солиқ тўловчилар эътиборига улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат рўйхатидан ўтказиш реестридан чиқарилганидан кейин етказилади.

***С.БЕКЕНОВ,***
***молия вазирининг ўринбосари.***

***Э.ГАДОЕВ,***
***ДСҚ раисининг биринчи ўринбосари.***

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

## 2008 ЙИЛ ЯНВАРЬ

### (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН)



**ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):**
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 176
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 174
36 соатли иш ҳафтасида – 156

**ИШ КУНЛАРИ СОНИ:**
5 кунлик иш ҳафтасида – 22
6 кунлик иш ҳафтасида – 26

**3**

**– декабрь ойининг III ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни;**

**– декабрь ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни.**

**5**
***
***

**– юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга солиқ, шунингдек норезидент юридик шахсларга тўловлардан фойда солиғини тўлашнинг сўнгги куни;**

**– акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**9**

**– декабрь ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов кирим қилишнинг сўнгги куни.**

**10**

**– декабрь ойи учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари ҳамда фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари суммалари ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уларни тўлашнинг сўнгги куни;**

**– декабрь ойи учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобварақларига сотилган маҳсулот ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмаларни тўлашнинг сўнгги куни;**

**– декабрь ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплаш ҳисоб-китобларини тақдим этишнинг сўнгги куни;**

**– 2008 йилнинг I чораги учун тахмин қилинаётган фойдадан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳақидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни;**

**– 2008 йилнинг I чораги учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар ҳақидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**13**
***
***

**– январь ойининг I ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни;**

**– январь ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни.**

**14**

**– бир чорак учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан ошадиган корхоналар учун декабрь ойига сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни***;**

**– декабрь ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 1 фоиз миқдорида бадалларни тўлаш ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни;**

**– қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган шахслар учун 2008 йилга қатъий белгиланган солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни:**

**автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автотўхташ жойлари (юридик шахслар);**

**болалар ўйин автоматлари;**

**бильярдхоналар;**

**– корхоналар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) томонидан солиқни белгиланган лимитдан келиб чиқиб ёки сув етказиб бериш шартномасига кўра ҳар ойда ёки ҳар чоракда тўлашлари тўғрисида билдирувнома тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**!** **Солиқ тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Norma» АҲТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилиши «Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.**

**15**

**– январь ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни****;**

**– 2007 йилнинг IV чораги учун ёлланиб ишловчиларга иш ҳақи ва бошқа даромадлар кўринишида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган суммалар тўғрисида, шунингдек ушбу даромадларга солинадиган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни**;**

**– қуйидаги соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган шахслар учун декабрь ойига қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни:**

**автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автотўхташ жойлари (юридик шахслар);**

**болалар ўйин автоматлари;**

**бильярдхоналар;**

**– декабрь ойи учун Республика йўл жамғармасига ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*;**

**– январь ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни;**

**– декабрь ойига транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни**;**

**– декабрь ойи учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўлов тўлашнинг сўнгги куни**.**

**19**
***
***

**– декабрь ойи учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни**;**

**– декабрь ойи учун ер остидан фойдаланганлик (фойдали қазилмаларни қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик) солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни**;**

**– жорий йилга мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан келиб чиқиб мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловлар ҳақидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**20**
***
***

**– декабрь ойи учун Республика йўл жамғармасига тўлов тўлашнинг сўнгги куни.**

**23**

**– январь ойининг II ўн кунлиги учун ҳақиқий айланмадан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни;**

**– январь ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни.**

**25**

**– 2007 йилнинг IV чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан Республика йўл жамғармасига ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни;**

**– 2007 йилнинг IV чораги учун микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ёлланиб ишловчиларга иш ҳақи ва бошқа даромадлар кўринишида ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган суммалар тўғрисида, шунингдек ушбу даромадларга солинадиган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни;**

**– январь ойи учун мол-мулк солиғи бўйича ойлик бўнак (жорий) тўловини тўлашнинг сўнгги куни.**

**30**

**– 2007 йил учун жисмоний шахсларга асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни;**

**– юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизларга солиқ бўйича ҳисоб-китобни, шунингдек норезидент юридик шахсларга тўловлардан фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**31**

**– 2008 йил учун ягона ер солиғи ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**) микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблардан ташқари;*

***) микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича йиллик молия ҳисоботи муддатларида тақдим этиладиган ҳисоб-китоблардан ташқари;*

****) қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни бир йилда бир марта – ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар топширадилар ва солиқ тўлайдилар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган юридик шахслар солиқни чоракда бир марта, чораклик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар. Микрофирмалар ва кичик корхоналар IV чорак учун мазкур ҳисоб-китобни йиллик молия ҳисоботи тақдим этиладиган муддатда тақдим этадилар;*

*****) ҳисобот даврида кутилаётган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналар ва ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган ҳамда бўнак (жорий) тўловларини тўламасдан, тўловларни ҳар чоракда йил бошидан ўсиб борувчи якун билан амалга оширадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари;*

******) ҳисобот даврида энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган солиқ солинадиган базага эга бўлган корхоналардан ва ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган, тўловларни ҳар чоракда амалга оширадиган қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно);*

*******) муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.*

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## ЭКИҲнинг САККИЗ БАРАВАРИ МИҚДОРИДА

**2007 йил 7 декабрдаги ЎРҚ-119-сон Қонун** билан *(«Норма маслаҳатчи» газетасининг 51-сонида чоп этилган)* 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938–XII-сон Қонунга ўзгартишлар киритилди. Энди отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари эмас, балки саккиз баравари миқдори доирасида амалга оширилади. Шунингдек пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ЭКИҲ етти бараварадан саккиз бараваргача оширилди.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 8 декабрда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## МОНОПОЛИЯЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ КЕНГАЙДИ

**2007 йил 7 декабрдаги ЎРҚ-120-сон Қонун билан 1997 йил 24 апрелдаги «Табиий монополиялар тўғрисида»ги 398-I-сон Қонунга (1999 йил 19 августда қабул қилинган 815-I-сон Қонун билан тасдиқланган таҳририда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга мувофиқ табиий монополиялар субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш соҳаси транспорт терминаллари хизматларига ҳам татбиқ этилади. Назорат вазифаларини амалга ошириш чоғида монополияга қарши орган томонидан олинган материаллар, шу жумладан табиий монополия субъектлари фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишга доир материаллар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлари ҳамда прокуратура органларининг тақдимномалари эса табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Табиий монополиялар субъектларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Хусусан, улар нафақат реализация қилинган товарлар ҳақини тўлашни таъминламаётган истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад этиш, балки табиий монополия шароитларида реализация қилинадиган товарлар нархларини (тарифларини), ваколатли органни хабардор қилган ҳолда, барча истеъмолчилар учун бир вақтнинг ўзида пасайтириш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар.

Киритилган қўшимчалар субъектлар учун нархлар (тарифлар) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражалари тасдиқланаётганда ҳисобга олинадиган асосий воситаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида харид қилиш ҳамда табиий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун амалга ошириладиган тўғридан-тўғри харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш мажбуриятини ҳам юклайди.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 8 декабрда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ҲОМИЙЛАР УЧУН – ЧЕКЛОВЛАРСИЗ

**2007 йил 7 декабрдаги «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида» ЎРҚ-121-сон Қонунга** *(«Норма маслаҳатчи» газетасининг 51-сонида чоп этилган)* мувофиқ ҳар йилги маъмурий харажатларнинг жами суммаси, шунингдек фонднинг васийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш фонд барча харажатлари суммасининг йигирма фоизидан ошмаслиги керак. Мазкур чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 8 декабрда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқларига асосан қуйидаги корхоналарга берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилди:

– **2007 йил 11 декабрдаги 918-аф-сонли** буйруққа асосан МЧЖ «AUDIT-SHERIK» аудиторлик фирмасига 2001 йил 28 июнда берилган 00094-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 11 декабрдан;

– **2007 йил 20 ноябрдаги 911-1-аф-сонли** буйруққа асосан «Ernst & Young Audit» МЧЖга 2001 йил 6 ноябрда берилган 00271-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 20 ноябрдан;

– **2007 йил 28 ноябрдаги 913-аф-сонли** буйруққа асосан «OCHILBEK Audit» хусусий аудиторлик ташкилотига 2001 йил 10 декабрда берилган 00324-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 28 ноябрдан;

– **2007 йил 28 ноябрдаги 913-аф-сонли** буйруққа асосан «IL-SAN-AUDIT» хусусий аудиторлик корхонасига 2001 йил 20 июнда берилган 00082-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 28 ноябрдан;

– **2007 йил 30 ноябрдаги 914-аф-сонли** буйруққа асосан ЁАЖ «DO'STLIK-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 9 январда берилган 00343-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 30 ноябрдан;

– **2007 йил 6 декабрдаги 916-аф-сонли** буйруққа асосан МЧЖ «AUDIT-KONSUL» аудиторлик ташкилотига 2001 йил 6 ноябрда берилган 00272-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 6 декабрдан;

– **2007 йил 30 ноябрдаги 915-аф-сонли** буйруққа асосан «KAFOLAT-A» хусусий аудиторлик фирмасига 2002 йил 7 январда берилган 00338-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 30 ноябрдан;

– **2007 йил 10 декабрдаги 917-аф-сонли** буйруққа асосан МЧЖ «FIDOKOR» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 10 майда берилган 00436-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йил 10 декабрдан.

***С.БЕККЕНОВ,***
***молия вазири ўринбосари.***

## ЖПК ВА ЖИКлар ТЎЛДИРИЛДИ

**2007 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-123-сон Қонун** билан *(«Норма маслаҳатчи» газетасининг 51-сонида чоп этилган)* Жиноят процессуал кодексига қуйидагича ўзгартиришлар киритилди. Тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилади. Ишларни бирлаштириш ва ажратиш эса нафақат суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан, балки прокурорнинг қарори билан ҳам амалга оширилади. Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддатига аниқлик киритилди, улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади.

**2007 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-124-сон Қонун билан Жиноят процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига киритилган қўшимчага** мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумни манзил-колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосномасига биноан кўриб чиқилади. Маҳкумнинг судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

**Қонунлар «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 14 декабрда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## МЖТКга ҚЎШИМЧА МОДДАЛАР

**2007 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-125-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш, транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш, шунингдек аудиторнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириши, била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши учун жавобгарликни назарда тутувчи иккита янги модда қўшилди.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 14 декабрда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ТУГАТУВЧИНИ КИМ ТАЙИНЛАЙДИ?

Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида **2007 йил 14 декабрдаги ЎРҚ-127-сон Қонун билан** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* **айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Чунончи, Фуқаролик кодекси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган муассислар ёки орган тугатувчини – тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлашдан иборат меъёр билан тўлдирилди. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунларга тегишли ўзгартишлар киритилади.

1998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717–I-сон Қонунга ҳам ўзгартишлар киритилди. Уларга мувофиқ ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Текшириш муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 15 декабрда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## ОЛТИН АКЦИЯ

**2007 йил 21 декабрдаги ЎРҚ-135-сон Қонун билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

АЖ устав фондига «олтин акция» – стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда ҳукуматнинг қарорига асосан жорий қилинадиган ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган, айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи киритилди.

«Олтин акция» акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши таркибига акциядорларнинг умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида баъзи масалалар бўйича қарорларга вето қўйиш ҳуқуқи билан иштирок этадиган давлат вакилини тайинлаш воситасида амалга оширилади.

**Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 22 декабрда расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.**

## СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Президентнинг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-743-сон қарори** билан Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2008 йилги даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрлари ва мазкур Жамғарма ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли дастури тасдиқланди. Ҳужжат билан республика ҳамда ҳудудий ташкилотлар ва корхоналарнинг, шунингдек хорижий инвесторларнинг мазкур жамғармага ихтиёрий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги ташаббуси ва у томонидан тақдим этилган, болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун 2008 йилда импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари ва ускуналари рўйхати маъқулланди.

## ФОНД БОЗОРИГА – МАХСУС ЛИЦЕНЗИЯСИЗ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги 255-сон қарори билан Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилмоқда** *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган).* Чунончи, банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган тижорат банклари ҳам қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишга ҳақлидирлар. Бунда тижорат банклари томонидан фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турларини амалга ошириш учун алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

## ҲУКУМАТ ПОРТАЛИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 259-сон қарори билан Ҳукумат портали тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Унга мувофиқ портал Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий давлат ахборот ресурси ҳисобланади. Порталнинг мақсадларига ихтисослаштирилган ахборотлар тизимини яратиш, республика аҳолиси ҳамда халқаро жамоатчиликни Ўзбекистон ҳукумати фаолияти тўғрисида хабардор қилиш ва ахборотларни идоралараро электрон айирбошлашни бирхиллаштириш киради. Порталда ахборотларнинг рус ва инглиз тилларидаги, шунингдек бошқа тиллардаги мазмуни бир хил ёхуд қисқартирилган версиялари бўлиши мумкин.

Портал харажатларини молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш тасдиқланган смета доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

## БАНК БАНККА МУАССИС ЭМАС

**Марказий банк бошқарувининг қарори билан Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди** *(ЎзР АВ томонидан 2007 йил 13 декабрда 630-10-сон билан рўйхатдан ўтказилган).* Уларга мувофиқ банкнинг устав капиталида бошқа банкларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди, хорижий капитал иштирокидаги ҳамда шуъба банкларни ташкил этиш ва қонун билан назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Ўзаро келишув билан боғланган ёхуд ўзаро мол-мулкни назорат қилувчи юридик ёки жисмоний шахслар ёхуд юридик ва жисмоний шахслардан иборат гуруҳ банк акцияларининг беш фоиздан ортиқ қисмини харид қилишда бу ҳақда бир иш куни олдин ёзма равишда Марказий банкни хабардор қилишлари, банк акцияларнинг йигирма фоиздан ортиқ қисмини харид қилишда эса – олдиндан Марказий банкнинг ёзма розилигини олишлари керак.

Янги ташкил этилаётган банклар учун устав капиталининг энг кам миқдори белгиланди. 2008 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари учун у муассислар банкни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган кунга Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича сўмда 5 млн евро, хусусий банклар учун эса – 2,5 млн еврони ташкил этади.

**2007 йил 23 декабрдан кучга кирди.**

4-бетда



# ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

***СИЗ БИРОН БИР ПРОФЕССИОНАЛ ЖАМИЯТГА АЪЗОМИСИЗ? БУНДАЙ ЖАМИЯТЛАРДАН СИЗ НИМАЛАР ОЛАСИЗ-У УЛАРГА НИМАЛАР БЕРАСИЗ?***



**• Тўқимачилик саноати корхонаси бош бухгалтери Гулнора Шараповна:**

– Мен давлат-акциядорлик компаниямиз касаба уюшмаси қўмитасининг тафтиш комиссияси раисиман, комиссиямиз компания тасарруфидаги корхоналар ҳисоботини текширади. Бу вазифалар, табиийки, жамоатчилик асосида адо этилади. Илгарилари чет, яъни мустақил аудитор фирмалар ишида иштирок этиб турардим. Энди компаниямиз ўз ички аудит хизматига эга. Мен эса сертификатланган аудитордирман ҳам.

**• Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Галина Юрьевна:**

– Йўқ, ҳеч қанақа жамият аъзоси эмасман. Ташкилотимда бош бухгалтер, бунинг устига сертификатланган аудиторман, аммо касб бўйича ихтисослашган, профессионал ҳеч қандай жамиятга аъзо эмасман.

**• Суғурта агентлиги бош бухгалтери Дилором:**

– Йўқ, ўзим ҳам, мен биладиган бошқа бухгалтерлар ҳам бундай жамиятга аъзо эмасмиз. Аввалги иш жойимда ҳам амалиётда бундай бўлмаган.

**• Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Ирина Викторовна:**

– Қўйилган саволга, таассуфки, жавобим салбий бўлади. Наҳотки касб бўйича ихтисослашган, профессионал жамият бўлса? Мен Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясидан бўлак бундай жамиятни билмайман. Бир танишим бўларди, у айни шу Ассоциацияга аъзо эди, лекин ҳозир у чет элга кетиб қолган.

**• Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси директори Озод Машарипов:**

– Бизнинг анчагина йирик Ассоциациямиз мамлакатимиздаги деярли барча бухгалтерлар ва аудиторлар манфаатларини ифода этади. Бош бухгалтерлар ва аудиторларни ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи мазкур жамоат ташкилоти 1992 йил 13 мартда, Ўзбекистонда янги бухгалтерия ҳисоби эндигина ташкил топиб, аудит шаклланаётган бир пайтда тузилган. Дастлаб у Бухгалтерлар ассоциацияси деб юритиларди. Ўшанда мамлакатимиздаги бир қанча етакчи корхоналарнинг бош бухгалтерларини ўз сафида бирлаштирган бўлиб, янги қонунчилик базасини ишлаб чиқиш ҳамда ўқитиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳамда Ассоциациянинг аъзолари мақомини ошириш йўли билан бухгалтерларнинг профессионал ҳуқуқларини ҳимоя этиш мақсадини кўзларди. Ассоциациянинг тамал тошини қўйганлардан бири халқ хўжалиги институтининг (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг) бухгалтерия ҳисоби кафедраси мудири, профессор Юрий Маркович Иткин эди. Профессионал ташкилот тузиш ғоясини у ҳаммага «юқтирди», ташаббускор гуруҳ тузиш ва уни жипслаштиришда ҳам хизмати катта бўлди.

Бугунги кунда Ассоциациямиз 765 та фаолият кўрсатиб турган аъзоларни, 62 та фахрий ва 40 та муайян шарт билан қўшилган аъзоларни бирлаштириб турибди. Булар асосан бухгалтерия ҳисоби ва аудит билан шуғулланаётган ёки шу фанлардан дарс бераётган жисмоний шахслардир. Уларнинг аксарияти курсларимизда шуғулланиб, САР ва CIPA халқаро сертификатларини олишган. Энг муҳими улар бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартларини омилкорлик билан қўллашни, бизнесни зарар кўрмай олиб бориш нуқтасини топишни, корхонанинг молиявий ва иқтисодий аҳволини таҳлил қилиб, шу асосда унинг фаолиятини ривожлантиришни прогноз қилишни ўрганиб олишди.

Буларнинг ҳаммаси Ассоциация аъзоларини мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам қучоқ очиб кутиб олинадиган мутахассислар қаторига чиқариб қўйди. Улар томонидан йиллар мобайнида тўпланган тажрибадан мамлакатимизни ривожлантириш йўлида фойдаланилмоқда. Бундан ҳам аълороқ, қадрлироқ иш бўлиши мумкин эмас деб ўйлайман.

**• Консалтинг хизматлари соҳасидаги аудитор Вера Васильевна:**

– Мен Солиқ маслаҳатчилари палатаси аъзосиман. Мамлакатимизда энг ёш ташкилот шу бўлса керак. У «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, солиқ маслаҳати бўйича ихтисослашган, янги касб эгаларини бирлаштиради. Европада ва АҚШда бу хизматлар анчагина кенг тарқалган, уларга талаб ҳам катта. Бизда бундай хизмат юридик шахслар учунгина эмас, балки иши у ёки бу усулда солиқлар билан тўқнашадиган жисмоний шахслар учун ҳам назарда тутилган. Аҳолининг юридик саводхонлигини ошириш мақсадида маслаҳатлар берамиз, у ёки бу масала юзасидан тушунтиришлар бериб борамиз. Бунинг учун фуқароларни қабул қилиш кунлари белгилаб қўйилган бўлиб, шу кунлари бепул маслаҳатлар берилади.

Бу профессионал жамиятда иштирок этиш шахсан Сизга нималар берди дейилса, энг аввало катта иш тажрибасига эга бўлган, юқори малакали мутахассислар билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлганлигимни айтаман. Палатамизда бундайлар оз эмас, уларнинг аксарияти ўз ишининг пири, шу ташкилот юзага келишида бош-қош бўлган, қонунчилик базасини яратишда иштирок этган, шу йўналишдаги қонунни ишлаб чиқишга озмунча куч, тажриба ва вақт сарфламаган, ташаббускор кишилардир. Қолаверса аъзолик туфайли мендаги билим доираси кенгайиб бормоқда. Энг муҳими муаммоли муайян вазиятни ҳал этиш имкониятига эга бўлдим. Ҳозирги вақтда Солиқ маслаҳатчилари палатасида ташкилий йўналишдаги номукаммаллик ва қийинчиликлар ҳам учраб қолмоқда.

**• Дори-дармон ишлаб чиқариш соҳаси бош бухгалтери Галина Рифхатовна:**

– Касб бўйича ихтисослашган бирон бир жамиятга аъзо эмасман. Лекин шуни яхши биламанки, бизнинг тармоқда махсус фармацевтика қўмитаси бор. Лекин у ҳақда компания раҳбариятига мансуб кишилардан биронтаси гапириб бергани маъқул.

**• «Nobel Pharmsanoat» корхонаси молия директори Алла Алферова:**

– Наҳотки фармацевтика соҳасида шуғулланаётганларнинг барчаси «Ўзфармсаноат» концернига бирлашганлигини билмасангиз?! Биз барча йирик, жиддий масалаларни ўша ерда ҳал қиламиз. Бундан ташқари бизни назорат қилувчи Фармацевтика қўмитаси бор ва у Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунади.

**• Қурилиш хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтери Гуля Файзиева:**

– Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмасига аъзоман. Фурсатдан фойдаланиб шу уюшма ходимларининг барчасига миннатдорчилик сўзларини айтишни истардим. Айниқса Марина Сергеевна Ванинадан жуда-жуда миннатдорман. 2002 йили бухгалтерия соҳасида тажриба ва билими бўлмаган ҳолда «Молия ҳисоби-1» курсига қатнадим. Менга бутунлай янги оламни мунаввар этишди, бухгалтернинг зерикарли туюлган иши бутунлай бошқача тусда, кўркамликда намоён бўлди. Шу соҳада билимни ошириш, ўқишга иштиёқимни оширди. 2005 йили САР сертификатини олдим, кейинги босқич бўйича ўқишни давом эттирдим. Ўқитувчиларнинг ҳаммасига, айниқса З.И.Тучковага (Тошкентда уни билмайдиган бухгалтер бўлмаса керак), А.З. Байрашев, О.В.Огневчук, Б.Т.Йўлдошев, Д.Султоноваларга катта раҳмат. Улар бизни қизиқтираётган барча саволларга жавоб беришди, ўз касбига меҳри баландликда намуна бўлишди. Улар Ўзбекистоннинг молия соҳаси ходимлари ва иқтисодчилари янада билимдон бўлиши учун шанба ва якшанба кунлари ҳам тиним билмасдилар.

Рост гап шуки, Ассоциациядан бераётганимиздан кўпроқ нарса оляпмиз. Касбдошлар билан мулоқот, билим ва тажриба алмашиш, мақсадга собит ва содиқ кишилар билан учрашмоқдамиз. Курсда таълим олишда бизга Ассоциация 25 фоизли сийлов бермоқда, у ерда йилда бир марта бепул малака оширишимиз мумкин.

Севимли газетамиз орқали таҳририят жамоасини ҳамда Бизнес фанлари ўқитувчилари ассоциацияси ходимларини кириб келаётган 2008 йил билан табриклашни истардим. Касб-корингизга барака, Янги йилда омад ва оилавий бахт тилайман.

**• «Металлург» ишчилар касаба уюшмаси юристи Акбар:**

– Яхши биласизки, биз касаба уюшмаси жамиятига мансубмиз. Сертармоқ тузилма эканлигимиздан ташқари ўтмишимиз ҳам бой. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида касаба уюшмалари бор. Тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, қурувчилар ва бошқа ходимлар касаба уюшмаларини биласиз. Юқори турувчи орган – Ўзбекистон касаба уюшмалари федерация Кенгаши касаба уюшмалари марказий кенгашларини бирлаштириб турибди, булар эса ўз навбатида ташкилот, корхона бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларидан иборат тармоққа эга. Мабодо у ёки бу ходим томонидан кўтарилган муаммо қуйи ташкилотда ечим топмаса, юқори турувчи ташкилотда кўриб чиқилиши мумкин. Лекин одатда юрист амалдаги қонун ҳужжатлари ёрдамида, касаба уюшмаси қўмитаси раиси ва аъзолари билан ҳамжиҳатликда муаммоларни касаба уюшмасининг оддий аъзоси бўлмиш ишчи ёки мутахассис фойдасига ҳал этади.

Қўйилган саволнинг иккинчисига жавоб бериш қийинроқ. Мен нохолис бўлишдан чўчийман, чунки бевосита шу ташкилотда ишлаяпман. Касаба уюшмасига ва унинг аъзоларига қонун ҳужжатлари асосида юридик хизмат кўрсатаман, шу йўл билан ишчиларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайман. Эвазига оладиган нарсам бирон бир корхона ходими билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар кўриб чиқиладиган у ёки бу ҳаётий вазиятга доир амалий тажрибадир. Мен буни бебаҳо қадрият санайман. Касаба уюшмамиз кўпгина яхши мутахассислар ишлайдиган катта тизимни бирлаштириб турибди. Шу сабабли халқаро ҳуқуқ масалалари ёки бухгалтерия ишлари бўйича маслаҳатлашиб олишим мумкин бўлган одамлар кўп. Касаба уюшмамиз аъзолари меҳнатга оид муносабатларнинг турли низоли масалалари юзасидан мурожаат этганларида юқорида айтилган омил иш беради.

***Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.***

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

***ОХИРЛАБ БОРАЁТГАН ЙИЛ ШАХСАН СИЗГА, ФИРМАНГИЗГА НИМАЛАР БЕРДИ? КИРИБ КЕЛАЁТГАН 2008 ЙИЛДАН НИМАЛАР КЎТМОҚДАСИЗ?***



Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки **normapress@mail.ru** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликлари учун сўровимиз иштирокчилари таҳририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар. **Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.**

3-бетда

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### СТАТИСТИК ҲИСОБОТ ШАКЛИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

**Давлат статистика қўмитасининг қарори** билан 2008 йил учун давлат статистика ҳисоботининг янги шакллари тасдиқланиб, уларнинг кучга кириш муддати: йиллик ҳисобот шакллари учун – 2007 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари учун – 2008 йил 1 январь этиб белгиланди.

**2007 йил 25 декабрдан кучга кирди.**

### СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ УЧУН НИЗОМ БЕЛГИЛАНДИ

**Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори** билан *(ЎзР АВ томонидан 2007 йил 17 декабрда 1749-сон рўйхатдан ўтказилган)* **Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Малака имтиҳонини солиқ маслаҳатини бериш фаолиятини амалга ошириш учун солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олишга даъвогар бўлган шахслар топширишади. Даъвогар қуйидаги талабларга жавоб бериши: олий маълумотга эга бўлиши; солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсларини ўтаган бўлиши; камида 5 йил иш стажига, шу жумладан камида 2 йил иқтисодий ёки юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлиши керак.

* * *

**Сертификатни бериш тартиби Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом** *(МВ ва ДСҚнинг ЎзР АВ томонидан 2007 йил 17 декабрда 1750-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* билан тартибга солинади. Низомга мувофиқ, малака сертификати жисмоний шахсга, агар у солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Малака сертификати чекланмаган муддатга берилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амал қилади. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлиб солиқ маслаҳатини амалга оширишда бир йил ичида икки мартадан кўп қонун ҳужжатларини бузиш содир этилганлиги, солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнида иштирок этмаганлиги, шунингдек малака оширишни белгиланган тартибда ҳар йили ўтамаганлиги ва Низомда белгиланган бошқа ҳоллар ҳисобланиши мумкин.

**Ҳужжатлар 2007 йил 27 декабрдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2007йил 23 ноябрдан 8 декабргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 48-49-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан **www.norma.uz** сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида **танишиб** чиқишингиз мумкин.*

# «ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ» СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ




***Йиллик ҳисоботни топширишнинг бошланишига бир неча кунгина қолди (бу муддатни ҳисобот кампаниясининг тугаш муддати билан чалкаштирманг). Бинобарин, ҳозирданоқ 2007 йил якунлари бўйича бухгалтерия ҳисоботини топширишнинг хусусиятлари билан қизиқиш керак. Газетамиз экспертлари ўтаётган йилда солиқ солиш тизимига ўзгартишлар киритган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилдилар ва сизга тақдим этилган материални тайёрладилар (боши «Норма маслаҳатчи»нинг 49 ва 50-сонларида).***

***Бугун биз сув ресурсларидан, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқлар, шунингдек маҳаллий солиқлар (ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи) ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни чоп этяпмиз.***

## СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

| *Т/р* | *Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар* |
|---|---|
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори*** |
| | 2007 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг 2006 йилда амал қилган ставкалари 1,5 бараварга индексацияланди. |
| 2 | ***“Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида” МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 5.02.2007 й.да 1097-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** |
| | Қарор билан Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, 1-бандда таъкидланишича, мазкур Йўриқнома солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган тўловчиларга, агар уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятлар пайдо бўлмаса татбиқ этилмайди. |
| 3 | ***Президентнинг 19.09.2007 й.даги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 5 йил муддатга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этилди. Имтиёз бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан тақдим этилади. |
| 4 | ***Президентнинг 29.10.2007 й.даги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3932-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этилди:<br>Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;<br>ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда. |

## ЕР ОСТИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

| *Т/р* | *Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар* |
|---|---|
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори*** |
| | 2007 йил 1 январдан бошлаб 2006 йилда амал қилган, табиий газ (30 фоизгача), ностабил газ конденсати (20 фоизгача) ва нефть (20 фоизгача) бўйича ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари пасайтирилди. |
| 2 | ***Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-74-сон Қонуни*** |
| | 108-модда “Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар” қуйидаги таҳрирда баён қилинди: “Кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ўзларига берилган ер участкалари доирасида хўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун белгиланган тартибда амалга ошираётган ер эгалари ҳамда ердан фойдаланувчилар ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилинади”. |
| 3 | ***“Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида” МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 5.02.2007 й.да 1098-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** |
| | Қарор билан Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди.<br>Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари бўлиб ягона солиқ тўлови тўловчилари бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва қатъий белгиланган солиқ тўловчилари бўлган юридик шахслар ва бошқалар ҳам ҳисобланади.<br>Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар Йўриқномага 1-иловага биноан кенг тарқалган фойдали қазилмаларни уларга берилган ер участкалари доирасида белгиланган тартибда, ўз хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун қазиб олишни амалга оширувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар учунгина сақланиб қолди. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўз ҳудудида қазиб олинган ва ишлатиладиган кенг тарқалган фойдали қазилмалар ҳажми ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод қилинади (илгари ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганувчи, геологик, минералогик ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий иш олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳам солиқдан озод қилинган эди). |

## ЕР СОЛИҒИ

| *Т/р* | *Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар* |
|---|---|
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори*** |
| | 2007 йилда ер солиғининг 2006 йилда амал қилган ставкалари 1,5 бараварга индексацияланди. |
| 2 | ***Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-74-сон Қонуни*** |
| | 102-модда “Ер солиғини тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар” дан ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари чиқариб ташланди. |
| 3 | ***“Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида” МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 5.02.2007 й.да 1118-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** |
| | Йўриқнома Солиқ кодексига мувофиқлаштирилди – 23-банднинг ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ер солиғини тўлашдан озод қиладиган “г” кичик банди ўз кучини йўқотди. |
| 4 | ***Президентнинг 19.09.2007 й.даги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари бўшайдиган маблағларни тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан 5 йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилади. |
| 5 | ***Президентнинг 29.10.2007 й.даги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3932-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ қуйидагилар ер солиғини тўлашдан озод этилди:<br>Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;<br>ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда, шунингдек сотиб олинадиган мелиорация техникаси учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан. |

## ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

| *Т/р* | *Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар* |
|---|---|
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори*** |
| | 2007 йилда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг 2006 йилда амал қилган 3,5% миқдоридаги ставкаси сақланиб қолди. |
| 2 | ***Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-74-сон Қонуни*** |
| | 92-“Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар” моддасидан йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари, шунингдек давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари бўйича имтиёзлар чиқариб ташланди. Қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сақлаш учун фойдаланиладиган мол-мулк бўйича имтиёз жорий қилинди. |
| 3 | ***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2007 й.даги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-3860-сон Фармони*** |
| | Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мол-мулк солиғидан озод этилади.<br>Кўрсатилган имтиёз янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади.<br>Технологик жиҳозлар ҳарид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, имтиёзнинг амал қилиши бекор қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга мол-мулк солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади. |
| 4 | ***“Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 31.03.2007 й.да 1107-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** |
| | Йўриқноманинг қоидалари Солиқ кодексига мувофиқлаштирилди:<br>– 10-банднинг учинчи хатбошиси “эркин алмаштириладиган валютага” сўзлари билан тўлдирилди, бу экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллашнинг мажбурий шартларидан бири ЭАВга сотиш ҳисобланишини билдиради;<br>– қўшимча хатбоши киритилди: "Бунда ишлар (хизматлар) экспорти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет эл давлатининг юридик ёки жисмоний шахсига, уларни бажариш (кўрсатиш) жойидан қатъи назар, ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) ҳисобланади". Яъни имтиёзларни қўллаш мақсадида ишлар бажаришда (хизматларни кўрсатишда), улар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ёки унинг ҳудудида бажарилганлиги (кўрсатилганлиги) аҳамиятга эга эмас;<br>– 14-банднинг “з”ва “и” кичик бандлари чиқариб ташланди, яъни йўл хўжалиги корхоналарининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари ва давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёз бекор қилинди;<br>– 14-бандга қўшимча "л", "м" ва "н" кичик бандлари киритилди, уларга мувофиқ қуйидагилар мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинади:<br>л) юридик шахс томонидан белгиланган тартибда касаначилик меҳнати билан шуғулланаётган фуқароларга ҳақ олмасдан фойдаланишга берилган ускуналар, асбоблар ва инвентарь, мазкур юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун - фойдаланиш даврида *(мазкур имтиёз Вазирлар Маҳкамасининг 11.01.2006 й.даги 4-сон қарори билан жорий қилинган);*<br>м) қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик) маҳсулотини етиштириш ва сақлаш учун фойдаланиладиган мол-мулк *(мазкур имтиёз ЎзРнинг 29.12.2006 й.даги ЎРҚ-74-сон Қонуни билан жорий қилинган);*<br>н) тезкор-қидириш тадбирлари тизимлари техник воситалари *(мазкур имтиёз ЎзР Президентининг 21.11.2006 й.даги ПҚ-513-сон қарори билан жорий қилинган).* |
| 5 | ***Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 11.06.2007 й.да 1688-сон билан рўйхатдан ўтказилган МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚнинг қарори билан тасдиқланган)*** |
| | Низом 2007 йил 21 июндан кучга кирди.<br>Низом Президентнинг 14.03.2007 й.дага ПФ-3860-сон Фармони билан тақдим этилган имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди. |
| 6 | ***Ўзбекистон Республикасининг 12.07.2007 й.даги “Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-101-сон Қонуни*** |
| | 92-моддага телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг қиймати мол-мулк солиғидан озод қилиниши ҳақида қўшимча киритилди *(мазкур имтиёз ЎзР Президентининг 21.11.2006 й.даги ПҚ-513-сон қарори билан жорий қилинган эди).* |
| 7 | ***Президентнинг 12.07.2007 й.даги “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-670-сон қарори*** |
| | Тижорат банклари ва Ягона умумреспублика процессинг маркази учун ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2004 й.даги 445-сон қарори билан банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган дастурий таъминотдан мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2010 йил 1 январгача узайтирилди.<br>2007 йил 12 июлдан бошлаб ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киоскларига ҳам мол-мулк солиғи солинмайди. |

6-бетда

5-бетда

# «ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ» СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

| Т/р | Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар |
|---|---|
| 8 | ***Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 9.08.2007 й.да 1701-сон билан рўйхатдан ўтказилган МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг қарори билан тасдиқланган)*** |
| | Низом 2007 йил 19 августдан кучга кирди.<br>Унда тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш хусусиятлари белгилаб берилган. |
| 9 | ***Вазирлар Маҳкамасининг 17.08.2007 й.даги “Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 177-сон қарори*** |
| | Президентнинг 12.07.2007 й.даги ПҚ-670-сон қарорининг қоидаларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 445-сон қарорига ўзгартиришлар киритилди. |
| 10 | ***Президентнинг 19.09.2007 й.даги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 5 йил муддатга мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилди. Имтиёз бўшайдиган маблағларни тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан тақдим этилади. |
| 11 | ***Президентнинг 29.10.2007 й.даги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3932-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ қуйидагилар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилди:<br>Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;<br>ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағлар мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда. |

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИ

| Т/р | Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар |
|---|---|
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори*** |
| | Солиқнинг 2006 йилда амал қилган, корхонанинг соф фойдасидан 8% миқдоридаги энг юқори ставкаси 2007 йилда сақланиб қолди |
| 2 | ***Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (АВ томонидан 17.05.2007 й.да 1680-сон билан рўйхатдан ўтказилган МВ ва ДСҚнинг қарори билан тасдиқланган)*** |
| | Йўриқнома 2007 йил 27 майдан кучга кирди.<br>Йўриқноманинг янги таҳририда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи объекти ҳисобланган, тўғриланган соф фойда кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:<br>**Сф + Хис – С** *(илгари Сф + Хис + С бўлган).*<br>“+” белгиси “-” белгисига ўзгартирилди. Бу 2007 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчининг балансида мавжуд бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болаларнинг мактабгача таълим-тарбия муассасалари, болалар дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фонди объектларини сақлаб туриш харажатлари солиқ солиш базасидан ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар миқдорида чиқариб ташланиши билан боғлиқ. |
| 3 | ***Президентнинг 19.09.2007 й.даги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 5 йил муддатга ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан озод этилди. Имтиёз бўшайдиган маблағларни тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан тақдим этилади. |
| 4 | ***Президентнинг 29.10.2007 й.даги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3932-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ қуйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан озод этилди:<br>Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;<br>ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағлар мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда. |

## ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР

| Т/р | Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар |
|---|---|
| | **ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТМАЛАР** |
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори*** |
| | 2007 йилда сотилган маҳсулот ҳажмидан 0,7% миқдорида мажбурий ажратмаларнинг ва 2,5% миқдорида фуқароларнинг иш ҳақидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари ставкалари сақланиб қолди.<br>2007 йил 1 январдан бошлаб ягона ижтимоий тўловнинг ставкаси 25%дан 24 %га пасайтирилди. |
| 2 | ***“Ягона ижтимоий тўлов ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” МВ, МАИМҚВ, ДСҚ, МБ бошқарувининг қарори (АВ томонидан 27.09.2007 й.да 1333-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** |
| | Низомга қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:<br>– 4-банд янги таҳрирда берилди: “Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўловчилари бўлиб иш берувчилар ҳисобланади. Мазкур Низомда иш берувчилар деганда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда хорижий юридик шахсларнинг ваколатхоналари тушунилади". Тўловчилар қаторига хорижий корхоналарнинг ваколатхоналари киритилди.<br>– 15-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилди: "Бунда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, ходимларнинг ёзма аризасига кўра, шартномавий нархларда бериш йўли билан иш ҳақини натура шаклида тўлайдиган тўловчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларини тўлаш умумбелгиланган тартибда амалга оширилади".<br>– ходимлар реестри шакли киритилди, у давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тўлашга пул маблағлари олиш учун буюртманомага илова қилинади (илгари у ихтиёрий шаклда тузилган);<br>– ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва бошқалар бўйича ҳисоб-китобларнинг янги шакллари тасдиқланди;<br>– моддий ёрдам тушунчаси берилди: "Моддий ёрдам деганда ходимларга тўланадиган, мақсадли хусусиятга эга бўлган ва ходимлар билан юз берган муҳим шахсий воқеалар, ҳодисалар, тадбирлар тақозо қилган пул маблағлари тушунилади. Бунда улар компенсация ва мукофот тўловлари ҳисобланмайди, ушбу маблағларни олувчилар томонидан бажариладиган иш ва унинг натижаларига боғлиқ эмас".<br>Шунингдек Низомнинг бошқа бандларига уни илгари қабул қилинган ҳужжатларга мослаштириш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилди. |
| 3 | ***Президентнинг 29.10.2007 й.даги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3932-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқатдаги сотиш ҳажмидан Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни тўлашдан Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси озод қилинди. |
| | ***РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТМАЛАР ВА ЙИҒИМЛАР*** |
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори.*** |
| | 2007 йилда Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар ставкалари сақланиб қолди, харид қилинган ва вақтинча олиб кириладиган, ўриндиқлари сони 40 тадан кўп бўлган автобуслар, 10 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари ва махсус автомобиллар бундан мустасно. Ушбу автотранспорт воситалари бўйича йиғим ставкаси 20% дан 6% га пасайтирилади. |
| 2 | ***“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб шакли ва уни тўлдириш ҳамда тақдим этиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 2.05.2007 й.да 1676-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** |
| | Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:<br>микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари, хўжалик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоб шакли;<br>микрофирма ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоб шакли;<br>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоб шаклини тўлдириш ва тақдим этиш қоидалари. |
| 3 | ***Президентнинг 19.09.2007 й.даги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 5 йил муддатга Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди. Имтиёз бўшайдиган маблағларни тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан тақдим этилади. |
| 4 | ***Президентнинг 22.10.2007 й.даги “ЎзР Президентининг "Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида” ПҚ-714-сон қарори*** |
| | Ўзгартиш 2007 йил 1 ноябрдан кучга кирди.<br>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 36-бандига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ харид қилинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғимни тўлашдан ишлаб чиқарувчи завод томонидан қўлда бошқаришга мослаштирилган енгил автомобиль ва/ёки мотоколяска сотиб оладиган барча гуруҳ ногиронлари озод қилинади *(“енгил автомобиль ва/ёки мотоколяска сотиб оладиган барча гуруҳ ногиронлари” эди).* |
| 5 | ***Президентнинг 29.10.2007 й.даги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3932-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси озод қилинди. |
| | ***МАКТАБ ТАЪЛИМИ ЖАМҒАРМАСИГА АЖРАТМАЛАР*** |
| 1 | ***Президентнинг 18.12.2006 й.даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-532-сон қарори*** |
| | 2007 йилда Мактаб таълими жамғармасига солиқ солиш объектидан 1% миқдорида ажратмалар ставкаси сақланиб қолди. |
| 2 | ***“Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” МВ ва ДСҚнинг қарори (АВ томонидан 7.03.2007 й.да 1446-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** |
| | Қарор билан Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:<br>– мажбурий ажратмалар тўловчиларининг таърифи аниқлаштирилди;<br>– 3-банднинг “а” кичик бандидан “улгуржи ва чакана дорихона муассасалари” сўзлари уларнинг 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтишлари муносабати билан чиқариб ташланди;<br>– 3-банднинг “б” кичик бандида воситачилик (комиссия (топшириқ) шартномаси)га тегишли шартнома турлари аниқлаштириб берилди;<br>– 3-банднинг “г” кичик бандига микромолиялаш ташкилотлари қўшилди, лекин казинолар, пул ютуқли ўйин автоматлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар чиқариб ташланди;<br>– 3-банднинг “е” кичик бандидан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари улар ягона солиқ тўловига ўтишлари муносабати билан чиқариб ташланди;<br>– 3-банднинг "ж" кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинди:<br>"ж) коммунал хўжалиги тизимининг иссиқлик, сув таъминоти корхоналари ва "Ўзтрансгаз" АК минтақалараро унитар корхоналарининг газ таъминоти корхоналари учун - маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни, ҚҚС ва харид қийматини чегирган ҳолда, тегишинча, иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газни сотиш ҳажми" ва бошқа ўзгартиришлар. |
| 3 | ***Президентнинг 19.09.2007 й.даги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” ПФ-3923-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 5 йил муддатга Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди. Имтиёз бўшайдиган маблағларни тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан тақдим этилади. |
| 4 | ***Президентнинг 29.10.2007 й.даги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-3932-сон Фармони*** |
| | Фармонга мувофиқ Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси озод қилинди. |




Корхона ва ташкилотлар молия-хўжалик операцияларининг ҳисоби ва уларга солиқ солишдаги барча ўзгартишлар босишга тайёрланган "Йиллик ҳисобот-2007" тўпламида батафсил баён этилади. Бу қўлланма Ўзбекистонда тўртинчи марта йиллик ҳисоботга махсус тайёрланган. Ундаги корхона активлари, маблағлар манбалари ва мажбуриятларининг ҳисоби бўйича берилган тушунтиришлар баланс сатрларига мувофиқ баён қилинган.

«Йиллик ҳисобот-2007» китобига «Норма» нашриётида (Тошкент ш., Навоий кўч., 22) буюртма бериш мумкин.
Қўшимча маълумотлар қуйидаги телефонлар бўйича: 132-18-80,144-44-29.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;

– «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»;

– «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида».

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2008 год».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР молия вазирининг «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

• **МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДАН 21 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 50-51-сон, 504-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, .№ 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, №4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **125-модда:**

**тўртинчи қисмининг диспозициясидаги** «ёхуд давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқариш —

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **$128^2$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$128^2$-модда.** Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш

Транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида на-

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 14 декабрдаги сонида эълон қилинган.**

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ
ОРГТЕХНИКА
T&T
171-00-57, 142-65-50
www.texnika.uz info@texnika.uz

зарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

3) **179-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«179-модда. Аудиторнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириши, била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши

Аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ўзи аниқлаган бухгалтерия ҳисобини юритишга, шунингдек молиявий ҳисобот тузишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши, худди шунингдек аудиторнинг била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «$128^{1}$-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин «$128^{2}$-модданинг учинчи қисми» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **248-модда:**

**биринчи қисми** «$128^{1}$-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «$128^{2}$-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмининг 5, 6** ва **7-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^{1}$-моддасининг биринчи қисмида, $128^{2}$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 131-моддасининг учинчи қисмида, 135-моддасида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Бош бошқармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари, йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинма) бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг катта инспектори, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^{1}$-моддасининг биринчи қисмида, $128^{2}$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, мобиль гуруҳи) командири ёки унинг ўринбосари;

7) ушбу Кодекс 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи қисмида, $128^{1}$-моддасининг биринчи қисмида, $128^{2}$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа нормативларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар»;

6) **287-модданинг 1-банди** «$128^{1}$» рақамидан кейин «$128^{2}$» рақами билан тўлдирилсин;

7) **291-модда биринчи қисмининг «а» кичик бандидаги** «тўртинчи қисмида» деган сўзлар «тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 13 декабрь*
*ЎРҚ–125-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ ТУГАТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 4 октябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 50-51-сон, 506-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 164-модда, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **54-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тугатувчини — тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлайдилар ҳамда ушбу Кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайдилар. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи юридик шахсларни давлат рўйхати-

---

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 15 декабрдаги сонида эълон қилинган.**

дан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

Тугатувчи тайинланган пайтдан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш бўйича ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади»;

2) **55-модданинг:**

**биринчи қисми биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида юридик шахснинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради»;

**иккинчи қисмидаги** «Тугатиш комиссияси» деган сўзлар «Тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**учинчи, бешинчи** ва **еттинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **65-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбошисидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **101-модданинг:**

**иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади»;

**олтинчи қисмидаги** «тугатиш комиссияси таркибига» деган сўзлар «тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **102-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар қўйиш учун белгиланган муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтга келиб, жамият кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида ушбу Қонуннинг 103-моддасига мувофиқ тақсимланади.

Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур баланс тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи жамиятнинг мол-мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида, тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тугаганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади»;

4) **103-модданинг биринчи қисмидаги** «тугатиш комиссияси» деган сўзлар «тугатувчи» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»**ги 717–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг — юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади, текшириш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **62-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссиясига (тугатувчига)» деган сўзлар «тугатувчига» деган сўз билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **30-модда иккинчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **55-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «қонунларда» деган сўз чиқариб ташлансин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «тугатиш комиссиясини» деган сўзлар «тугатувчини» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади»;

**олтинчи қисмидаги** «тугатиш комиссиясининг таркибига» деган сўзлар «тугатиш комиссияси тайинланади ва унинг таркибига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 14 декабрь*
*ЎРҚ–127-сон.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

# «БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 сентябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 50-51-сон, 509-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Бюджет тизими тўғрисида»**-ги 158–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 12, 413, 418-моддалар; 2007 йил, № 4, 168-модда, № 9, 420-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи хатбошиси** «молия йилида» деган сўзлардан кейин «республика бюджети» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **5-модданинг еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш»;

3) **32-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметаси асосида тайинлаш сертификатини муайян даврга ва суммага расмийлаштириш орқали, шунингдек бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи; хизмат кўрсатувчи) билан тузилган, ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида:

республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тўланади.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетларнинг ягона ғазна ҳисобварағидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилади.

Республика бюджети бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетлар бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилоти томонидан тежаб қолинган бюджет маблағлари олиб қўйилмайди ва улар Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) **33-модданинг биринчи қисми:**

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аввалги молия йилининг охирги чорагидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда, уларни бошланган молия йилида амалга оширилиши режалаштирилмаган харажатлар суммасига аниқлаштирилган ҳолда, ҳар ойда амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари ҳар чораклик ойма-ой бўлинган муваққат харажатлар сметаси ва бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган, ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида амалга оширилади»;

**учинчи** ва **тўртинчи хатбошилари тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **37-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг касса ижросини таъминлайди. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига биноан Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини бажаради.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобварақларидаги бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади»;

6) **38-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказади»;

**тўртинчи-олтинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи-еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«товар етказиб берувчининг (иш бажарувчининг, хизмат кўрсатувчининг) бевосита ҳисобварағига бюджет маблағларини олувчилар номидан тўловларни амалга оширади»;

7) **39-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тузади ва ушбу ҳисоботни тегишинча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар молия органларига тақдим этади»;

**учинчи-ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи-ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Давлат бюджетининг ғазна**

---

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 18 ноябрдаги сонида эълон қилинган.***

**ижроси тўғрисида»**ги 664–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 164-модда) **7-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ғазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджетининг касса ижроси;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат бюджети маблағларини бошқариш, ягона ғазна ҳисобварағини ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини юритиш;

бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

Давлат бюджетида қайси юридик ёки жисмоний шахслар учун маблағлар назарда тутилган бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисоботни тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 17 декабрь*
*ЎРҚ–130-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган.***

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси тасдиқлансин.*

**2-модда**. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 ва 2009 йиллар мобайнида:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминласин;

зарур бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

**3-модда**. Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 25 декабрь*
*N ЎРҚ-136.*

---

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида эълон қилинади.*

---

*ПОСТАНОВЛЕНИЕ*
*ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН*

## О ПРОГНОЗЕ ОСНОВНЫХ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ И ПАРАМЕТРАХ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА 2008 ГОД*

**(Кўчирма)****

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига*
*19-ИЛОВА*

### Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ягона ер солиғи СТАВКАЛАРИ

| *Тўловчилар* | *Меъёрий қийматга фоизлардаги ставка** |
|---|---|
| Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари | 2,8 |

** Бунда жамоат бинолари ва ҳовлилари банд этган ерлар бўйича баҳолаш 2,0 коэффициентини қўллаш орқали амалга оширилади.*

***Изоҳ:***

*Қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳар бир хўжалик бўйича меъёрий қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан белгиланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига*
*20-ИЛОВА*

### Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ЧЕГАРАЛАНГАН СТАВКАЛАРИ

| *N* | *Солиқ ва йиғимлар турлари* | *Чегараланган ставкалар* |
|---|---|---|
| 1 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | соф фойданинг 8%и |
| 2 | Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ*: | |

---

****Давоми. Боши «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2007 йил 51-сонида берилган.***

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги ПҚ-744-сон қарорига иловалар таҳририят томонидан ўзбекчага ўгирилди.*

| N | Солиқ ва йиғимлар турлари | Чегараланган ставкалар |
|---|---|---|
| | транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси | 1 литр учун 100 сўм |
| | транспорт воситалари учун газ | 1 кг учун 100 сўм |
| 3 | Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим**: | |
| | алкоголли маҳсулотлар | 1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баравари |
| | қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар | 1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баравари |
| 4 | Автотранспортни сақлаш бўйича пуллик хизматларни кўрсатганлик учун йиғим *** | 1 ой учун энг кам иш ҳақининг 8 баравари |

** Кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. Солиқ ставкасининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.*

*** Йиғимнинг бир қисми Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ҳокимияти органлари қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда йиғим ундиришни таъминлаш билан боғлиқ давлат бошқаруви органлари харажатларини қоплашга, Тошкент шаҳрида эса Савдо, хизматлар соҳаси ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш департаментини тутиб туришга йўналтирилади.*

**** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг қарорига биноан йиғимнинг бир қисми давлат бошқаруви органларининг йиғимни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ундиришни таъминлаш билан боғлиқ харажатларини қоплашга йўналтирилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига*
*21-ИЛОВА*

## Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар СТАВКАЛАРИ

### I. Мажбурий ажратмалар

| N | Тўловчилар | Тўлаш объекти | Тўлаш объектига нисбатан ставкалар %ларда |
|---|---|---|---|
| 1 | Воситачилик, топшириқ шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар | ҚҚСни чегирган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси | 1,0 |
| 2 | Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари | ҚҚСни чегирган ҳолда товар айланмаси ҳажми | 1,0 |
| 3 | Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база - конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалари | ялпи даромад | 1,0 |
| 4 | "Ўздонмаҳсулот" АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари) | ҚҚСни чегирган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмаси | 1,0 |
| 5 | Кредит ва суғурта ташкилотлари | даромад | 1,5 |
| 6 | Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар | фоиз кўринишидаги даромад | 1,5 |
| 7 | Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари | маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚСни ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда | 1,5 |
| 8. | Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари | ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми | 1,5 |
| 9. | Автотранспорт корхоналари | ҚҚСни чегирган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми | 2,5 |
| 10. | Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари | маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда | 1,5 |

### II. Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар

| N | Йиғимлар ва ажратмалар турлари | фоизларда |
|---|---|---|
| 1 | Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар: | |
| 1.1 | - сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари (шу жумладан махсус автомобиллар) нархидан. Бундан 1.2- бандда кўрсатилганлари мустасно | 6,0 |

| N | Йиғимлар ва ажратмалар турлари | фоизларда |
|---|---|---|
| 1.2 | - сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари нархидан: қирқтагача ўтириш жойлари бўлган автобуслар; 10 тоннагача юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари | 20,0 |
| 2 | "Ўзавтойўл" ДАК корхона ва ташкилотлари мол-мулкини сотиб олишдан тушган маблағларнинг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар | 50,0 |

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига*
*22-ИЛОВА*

## Республика йўл жамғармасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий ва чегарадош давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилишдан йиғимлар СТАВКАЛАРИ

| N | Йиғимлар турлари | Йиғимлар ставкалари (АҚШ долларида) |
|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл давлатларидан автотранспорт воситаларини олиб кирганлик учун тўлов, бир автоташувчини олиб кирганлик учун (2-5-бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно) | 400 |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусини олиб кирганлик ва транзит қилганлик учун йиғим: | |
| | битта юк автотранспорт воситаси ва автобусдан | 130 |
| | юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган 8 суткадан ошган ҳар бир кун учун | 50 |
| | юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи мамлакатларга (МДҲ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун | 90 |
| 3 | Қозоғистон Республикасининг юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирганлик ёки олиб чиқиб кетганлик учун йиғим, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига транзит қилиш бундан мустасно, битта юк автотранспорт воситасини олиб кирганлик ва олиб чиқиб кетганлик учун йиғим | 300 |
| 4 | Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим | 300 |
| 5 | Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб автотранспорт воситалари турлари бўйича Туркманистон Республикаси автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим: | |
| | - қуйидаги ҳажмдаги юкларни кўтарадиган юк автотранспорт воситалари: | |
| | 10 тоннагача | 50 |
| | 10 тоннадан 20 тоннагача | 100 |
| | 20 тоннадан кўп | 150 |
| | ўриндиқлар сони қуйидагича бўлган автобуслар: | |
| | 12 ўриндиққача | 25 |
| | 13 ўриндиқдан 30 ўриндиққача | 50 |
| | 30 ўриндиқдан кўп | 100 |
| | транзит йўналишли енгил автотранспорт воситалари | 30 |
| | транзит йўналишли мотоцикллар | 15 |

***Изоҳ:***

*Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундириладиган йиғимлар ставкаларига нисбатан 0,5 камайтирувчи коэффициенти қўлланилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига*
*23-ИЛОВА*

## Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳамда Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларга тортиш ОБЪЕКТЛАРИ

| N | Тўловчилар | Ажратмаларга тортиш объекти |
|---|---|---|
| 1 | Воситачилик, топшириқ шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар | ҚҚС чегирилган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси |
| 2 | Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари | ҚҚС чегирилган ҳолда товар айланмаси ҳажми |
| 3 | Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалари | ялпи даромад |
| 4 | "Ўздонмаҳсулот" АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва дон қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари) | ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмаси |

| N | Тўловчилар | Ажратмаларга тортиш объекти |
|---|---|---|
| 5 | Кредит ва суғурта ташкилотлари | даромад |
| 6 | Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар | фоиз кўринишидаги даромад |
| 7 | Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари | маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚСни ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда |
| 8 | Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари | ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми |
| 9. | Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари | маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда |

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон қарорига 24-ИЛОВА*

**Ягона ижтимоий тўлов СТАВКАСИ**

| Солиқ солинадиган база | Ажратмалар миқдори, %да |
|---|---|
| Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди | 24* |

** Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ўртасида белгиланган тартибга мувофиқ қуйидаги миқдорларда тақсимланади:*

*бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси* 23,5
*Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси* 0,3
*Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши* 0,2

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ*

# БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИДА ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИДА ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 48-49-сон, 495-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) асосан **буюраман:**

1. Илова қилинган Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш Қоидалари тасдиқлансин.

2. Ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 27 июндаги 59-сон «Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ҳақида Вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил 24 июль, рўйхат рақами 1600 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 297-модда) буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 18 октябрдаги 89-сон «Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ва ёпиш бўйича Вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2006 йил 25 октябрь, рўйхат рақами 1600-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 431-модда) буйруғи.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Молия вазири Р.АЗИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 17 октябрь*
*93-сон.*

***2007 йил 15 декабрдан кучга киради.***

*Молия вазирининг*
*2007 йил 17 октябрдаги 93-сон буйруғи билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

# БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИДА ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИДА ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ғазначилик бўлинмалари деб юритилади) томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва уларнинг бюджет маблағлари (Захира жамғармаси маблағларини ҳисобга олган ҳолда) ва бюджетдан ташқари маблағлари (кейинги ўринларда — бюджетдан маблағ олувчилар деб юритилади) бўйича операцияларни акс эттириш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Бюджетдан маблағ олувчиларга шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш, шунингдек улардаги операцияларни акс эттириш ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Бунда, республика ва маҳаллий ғазна ҳисобварақларидан фойдаланиш (кейинги ўринларда — ғазначилик ҳисобварақлари деб юритилади) орқали бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олинадиган бюджетлар, харажатлар гуруҳлари, бюджетдан маблағ олувчилар, шунингдек капитал қурилиш буюртмачилари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**бюджетдан маблағ олувчилар** — Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек капитал таъмирлаш буюртмачилари;

**капитал таъмирлаш буюртмачилари** — Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектларини бошқариш ва техник назорат функцияларини амалга ошириш мақсадида ваколатли орган томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилган ягона буюртмачи хизмати (кейинги ўринларда — капитал таъмирлаш буюртмачилари деб юритилади);

**Захира жамғармаси маблағлари** — бюджет тузилишида ҳисобга олинишининг имкони бўлмаган, йил мобайнида кўзда тутилмаган иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча харажатларни молиялаштириш (тўлаш)га йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари;

**бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари** — ижтимоий тўловлар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, ота-оналарнинг мактабгача ва мактабдан ташқари ташкилотларда болаларни сақлаш учун, жумладан мусиқа мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, ишчилардан озиқ-овқат ҳисоб-китоблари учун тушумлар (мактабгача болалар ташкилотлари, интернатлар ва бошқалар), улар томонидан иш жойидан оладиган, кейинчалик жорий қонунчиликда белгиланган мақсадларга йўналтирилиши билан ғазна ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағлар;

**бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақлари** — тегишли бюджетдан маблағ олувчилар, жумладан капитал қурилиш буюртмачилари учун ғазначилик бўлинмалари томонидан очиладиган, бюджет, шу жумладан Захира жамғармалари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича, ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда, маблағлар ҳаракати билан боғлиқ таҳлилий ҳисоблар регистри.

**манзилли рўйхат (лойиҳа-тадқиқот ишлари манзилли рўйхати)** — ҳар йили буюртмачилар томонидан тузиладиган ва ўрнатилган тартибда ажратилган маблағлар лимитлари доирасида тасдиқланадиган, объектлар рўйхатини ҳамда улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи молиявий ҳужжат;

**қурилишнинг титул рўйхати** — қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажми ва уни сарфлаш йўналишлари кўрсатилган, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжат;

**капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси** — қурилишнинг бюджет таснифи кўрсаткичлари асосида капитал қўйилмалар лимитлари, уларни сарфлаш йўналишлари кўрсатган ва уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда ҳамда бюджет харажатларини ойлар ёйилмасида ҳар бир объект бўйича буюртмачи томонидан тузиладиган, тасдиқланадиган ва тегишли молия органи билан ўрнатилган тартибда келишиладиган молиявий ҳужжат;

**харажатлар тўлови рухсатномаси (кейинги ўринларда — ХТР)** — ХТРда кўрсатилган давр мобайнида тегишли ғазна ҳисобварағидан бюджетдан маблағ олувчи харажатлар тўловлари учун ишлатилиши мумкин бўлган бюджет маблағларини кўрсатувчи, ғазначилик бўлинмалари томонидан тасдиқланган бюджет маблағлари асосида тузиладиган ва бюджетдан маблағ олувчиларга тақдим қилинадиган ҳужжат;

**юридик мажбурият** — юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон олдидаги тузилган шартномалар, келишувлар ва тегишли ҳокимият органларининг қарорлари бўйича юзага келган мажбуриятлари;

**молиявий мажбурият** — юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон, товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчилар олдидаги етказиб берилган товар (иш ва хизмат)лар учун ҳақ тўлашни тасдиқловчи ҳужжатлар, жумладан ҳисоб-тўлов ҳужжатларида ҳисобланган, ишчиларга иш ҳақи, тўлов ҳужжатлари, суд қарорлари, ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларни мол етказиб берувчи ёки тўловни қабул қилувчига маблағларнинг ўтказилиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар.

## II. БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИЛАРНИНГ БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИ БЎЙИЧА ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ҒАЗНАЧИЛИК БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ЮРИТИЛИШИ

### § 1. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларининг тузилиши

3. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш мақсадида ғазначилик бўлинмалари томонидан Давлат бюджетининг бюджет таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича қуйидагиларнинг ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисобварақлар очилади:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўзини сақлаш ва марказлашган тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар сметасида кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

юридик шахс мақомига эга бўлмаган қуйи ташкилотлар учун кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмасида кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлари;

рўйхатга олинган юридик мажбуриятлари;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган молиявий мажбуриятлар суммаси;

харажатлар тўлови рухсатномалари (ХТР);

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан амалга ошириладиган касса харажатлари.

4. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағларининг тушуми ва харажати бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш мақсадида ғазначилик бўлинмалари томонидан Давлат бюджетининг бюджет таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича қуйидагиларнинг ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисобварақлар очилади:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли сметаларида назарда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджетдан ташқари ажратмалари (бюджетдан ташқари маблағларнинг тушуми ва сарфланиши чекланмаган турлари бундан мустасно);

келиб тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар;

бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари доирасида ўрнатилган тартибга мувофиқ йўналтириладиган тегишли харажат турлари бўйича рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинадиган молиявий мажбуриятлар суммаси;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари тушумлари доирасида, қонунчиликда кўзда тутилган мақсадларда амалга ошириладиган касса харажатлари.

5. Шахсий ҳисобварақлар бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд қилинади (Мазкур Қоидаларга 1-сон илова*).

Ҳар бир шахсий ҳисобвараққа тегишли уникал рақам берилади.

6. Бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағининг уникал рақами йигирма икки разряддан иборат бўлиб:

| Разряд рақамлари | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |

шулардан:

1 — 6 гача разрядлар — тасдиқланган маблағларнинг манбалари ва бюджет даражаси Таснифига мувофиқ маблағларнинг манбалар коди ва бюджет даражаси;

7 — 11 гача разрядлар — тасдиқланган ҳудудлар Таснифига мувофиқ, ҳудудий тегишлилик коди;

12 — 19 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчилар бўйича бюджет таснифининг тегишли кўрсаткичлари кодлари, бунда:

12 — 14 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчининг тегишли бўлим коди;

15 — 17 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчининг тегишли боб коди;

18 — 19 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчининг тегишли параграф коди.

20 — 22 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий рақам коди.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг 3 разряддан ташкил топган шахсий ҳисобварағининг шахсий рақами автоматик тарзда Давлат бюджети ғазна ижроси бўйича дастурий мажмуаси орқали берилади ва алоҳида ҳар бир бюджет бўйича тегишли ғазначилик бўлинмаси томонидан 001 дан 999 гача рақамлардан фойдаланган ҳолда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд қилинади.

Бунда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журнали ғазначилик бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида қоғоз ва электрон тарзда юритилади.

### § 2. БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ, ЁПИШ ВА ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

7. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларининг очилиши ғазначилик бўлинмалари томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

а) мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси* шаклига асосан, бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмаси раҳбарининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган шахсий ҳисобварақ очиш тўғрисидаги аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси* шакли бўйича бир нусхада ариза, унга илова қилиб мазкур Қоидаларнинг 3-сонли иловаси* шаклига асосан хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади;

б) харажатлар сметаси нусхаси, жумладан вақтинчалик ва аниқланган ҳамда унга молия органларининг мансабдор шахслари тасдиқлаган ва молия органларининг муҳри қўйилган зарур ҳужжатларнинг иловалари билан, Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхалари.

Бунда, ўрнатилган тартибда ўзининг тасарруфида бўлган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобини юритишни амалга оширадиган бюджетдан маблағ олувчилар учун уларнинг шахсий харажатларини (шахсий харажатлар сметаси асосида) ҳисобини юритиш учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади ва хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун (умумий харажатлар сметалари асосида) алоҳида ҳар бир бюджет таснифининг параграфи бўйича шахсий ҳисобварақлар очилади;

в) капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси, қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси,

***Қоидаларга 1-10-иловалар «Норма маслаҳатчи»да чоп этилмайди. Иловалар матни билан «Norma» АҲТда танишиш мумкин.***

қурилишларнинг титул рўйхати нусхаси (капитал қурилиш буюртмачилари учун);

г) мазкур Қоидаларнинг 4-сонли иловаси* шаклига асосан бир нусхада юқори ташкилот томонидан ёки нотариал тасдиқланган молиявий ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсларининг имзо намуналари ва шахсий ҳисобварақлар билан операцияларни амалга оширишдаги ташкилотнинг муҳр изи туширилган карточкаси.

Бунда, ғазначилик бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг олдин очилган ҳисобварақлари мавжуд бўлганда, ушбу бюджетдан маблағ олувчиларга Захира жамғармасидан маблағларни харажат қилиш учун ҳисобварақлар очиш учун юқорида кўрсатилган имзо намуналари карточкасини тақдим этмасдан ҳужжатлар топширишига рухсат берилади.

8. Ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлари қуйидаги ҳужжатлар асосида очилади:

а) мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси* шаклига асосан ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган бюджетдан маблағ олувчининг аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси* шакли бўйича бир нусхада ариза, унга илова қилиб мазкур Қоидаларнинг 3-сонли иловаси* шаклига асосан хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади.

б) бюджетдан ташқари маблағларнинг тушумлари ва харажатлари лимити кўрсатилган (тушумлари ва маблағларнинг харажат қилиниш йўналишлари лимитланмаган бюджетдан ташқари маблағлари бундан мустасно) тегишли смета харажатларининг нусхаси.

Бунда, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг ўрнатилган тартибда ҳисобини юритувчи ва хизмат кўрсатувчи бюджетдан маблағ олувчилар учун, хизмат кўрсатилаётган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари харажатлари ҳисобини юритиш учун (бюджет таснифи харажатларининг ҳар бир параграфи бўйича тузилган умумий харажатлар сметаси асосида) ҳисобварақлар очилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлар очиш учун илгари бюджет маблағлари бўйича ҳисобварақларни очиш учун тақдим этилган имзо намуналари карточкалари ишлатилади.

9. Ғазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 7-8-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб икки иш куни давомида уларнинг мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлигини текширади ва улар тўғри бўлган ҳолатда шахсий ҳисобварақлар очади.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ келмаса, мазкур ҳужжатлар ғазначилик бўлинмаси томонидан ҳисобварақлар очмасдан бюджетдан маблағ олувчига қайта ишлаш ёки камчиликларни тўғрилаш учун қайтарилади.

10. Ҳисобварақлар очилишига асос бўлган бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди ва улар ғазначилик бўлинмаларида ўрнатилган тартибда сақланади.

11. Ғазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўровига кўра шахсий ҳисобварақлар очилган куннинг кейинги кунидан кечиктирмасдан улар учун очилган шахсий ҳисобварақлар тўғрисида маълумот беради. Ўз навбатида бюджетдан маблағ олувчилар икки кун муддат ичида ғазначилик бўлинмаларида улар учун очилган шахсий ҳисобварақлар реквизитларини тегишли солиқ органлари, ижтимоий таъминот органлари ва товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчиларга етказади.

12. Бюджетдан маблағ олувчининг қайта ташкил этилиши ва унинг бўйсунишининг ўзгариши ёки ташкилий-ҳуқуқий мақомининг ўзгариши билан боғлиқ бўлмаган тарзда шахсий номи ўзгарганда, ваколатли давлат органидан янги шахсий ном олгандан сўнг, бир иш куни давомида бу ҳақда тегишли ғазначилик бўлинмасига ёзма равишда хабар қилади.

Ғазначилик бўлинмалари ёзма билдиришнома асосида бюджетдан маблағ олувчининг номи ўзгариши билан шахсий ҳисобвараққа шахсий ҳисобварақнинг уникал рақамини ўзгартирмаган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритади.

13. Бюджетдан маблағ олувчи қайта ташкил этилганда (бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиш, қайта ташкил этиш), янги вужудга келган бюджетдан маблағ олувчилар учун ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, қўшилиш шаклида қайта ташкил этилганда бюджетдан маблағ олувчи юридик шахсларнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг, ғазначилик бўлинмасига шахсий ҳисобварақларни ёпиш учун бюджетдан маблағ олувчининг қайта ташкил этилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ариза тақдим этади.

14. Бюджетдан маблағ олувчи тугатилганда, тугатилаётган ташкилотнинг раҳбари ушбу жараён бошлангандан бошлаб икки кун ичида ғазначилик бўлинмасига юқори турувчи ташкилот ёки ўрнатилган тартибда нотариал тасдиқланган тугатиш тўғрисидаги ва тугатиш комиссиясининг тайинланиши тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаларини тугатиш комиссиясининг фаолият юритиш муддатларини кўрсатган ҳолда тақдим этади.

15. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини уларнинг қайта ташкил этилиши, бўйсунувдаги ўзгаришлари, тугатиш комиссиясининг иш фаолиятининг тугатилиши, бюджетдан маблағ олувчининг бошқа ғазначилик бўлими томонидан хизмат кўрсатилишига ўтиши муносабати билан ёки қонун ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ёпиш мазкур Қоидаларнинг 5-сонли иловасидаги* шахсий ҳисобварақни ёпиш тўғрисидаги аризага мувофиқ амалга оширилади.

Шахсий ҳисобварақнинг ёпилиши бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд этилади.

16. Ғазначилик бўлинмаси томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга янги шахсий ҳисобварақларни очиш қайта ташкил этиш жараёни тугатилгандан сўнг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчининг турган бюджет даражасининг ўзгариши ва бир ғазначилик бўлинмасидан бошқа ғазначилик бўлинмасига хизмат кўрсатилишига ўтганда, мазкур Қоидаларнинг 7-8-бандларига асосан амалга оширилади.

**§ 3. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларда операцияларнинг акс эттирилиши**

17. Ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходимлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларининг тегишли сатрларида қуйидаги суммаларни акс эттирадилар:

а) бюджет маблағлари бўйича:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари, шунингдек вақтинчалик харажатлар сметалари ҳамда капитал қурилиш бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмалари, Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхаларида кўрсатилган;

бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари, шунингдек капитал қурилиш харажатларининг ойлик ёйилмаларига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилган бюджет маблағлари манбалари;

бюджетдан маблағ олувчиларга берилган ХТР;

ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилган молиявий мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган), шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлар;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича:

тегишли ва вақтинчалик сметаларда кўрсатилган харажатлар (бюджетдан ташқари тушумлар ва уларнинг йўналиши чекланмайдиган харажатлар турлари бундан мустасно);

юқорида кўрсатилган харажатлар сметаларига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган аниқлаштирилган режалар;

мазкур Қоидаларда белгиланган тарзда келиб тушган Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;

ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

ғазначилик бўлинмаларига бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган молиявий мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ғазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган), шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлари.

18. Ғазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўровларига кўра уларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларидан операциялар амалга оширилган кундан кейинги кундан кечикмаган ҳолда, уларга ушбу шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар мазкур Қоидаларнинг 6-10-сонли иловалари* шакллари асосида тақдим этади.

### III. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

19. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан шахсий ҳисобварақлар очиш, қайта рўйхатга олиш ва ёпиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ўз вақтидалиги, ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари жавобгардирлар.

20. Мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ шахсий ҳисобварақларнинг ўз вақтида очилиши, қайта рўйхатга олиниши, ёпилиши, маълумотларни ўз вақтида акс эттирилиши ва бюджетдан маблағ олувчиларга уларнинг шахсий ҳисобварақларидан кўчирмалар тақдим этилиши юзасидан ғазначилик бўлинмаларининг тегишли ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

### ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 8 ДЕКАБРДАН 21 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарида тиббий-учиш эксперт комиссияларини тайинлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 15 ноябрдаги 167-сонли буйруғи.*

***2007 йил 11 декабрда 1747-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 21 декабрдан кучга киради).***

2. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/3-сонли қарори.*

***2007 йил 13 декабрда 630-10-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 декабрдан кучга киради).***

3. «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/2-сонли қарори.*

***2007 йил 13 декабрда 949-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 23 декабрдан кучга киради).***

4. «Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 01/12-18/17-сонли қарори.*

***2007 йил 15 декабрда 1394-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 25 декабрдан кучга киради).***

5. «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли қарори.*

***2007 йил 15 декабрда 1748-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 25 декабрдан кучга киради).***

6. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108, 2007-63-сонли қарори.*

***2007 йил 17 декабрда 1749-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 декабрдан кучга киради).***

7. «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини бериш, унинг амал қилишини тугатиш ва уни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 107, 2007-64-сонли қарори.*

***2007 йил 17 декабрда 1750-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 декабрдан кучга киради).***

### II. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. Суюқ газларни босим остида сақланадиган шарсимон сиғимлар ва газгольдерларни техник кўрикдан ўтказиш бўйича йўриқнома. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. Асбоб ва мосламалар билан ишлаганда хавфсизлик қоидалари. *«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.***

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

### III. КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ ВА ИЖРОДАН ЧАҚИРИБ ОЛИНДИ:

«Ижтимоий соҳа бўйича давлат статистик ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2006 йил 1 декабрдаги 15-сон қарори.*

**Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди. Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.***

РЕКЛАМА & АХБОРОТ
# Бизнес Панорама
«Норма маслаҳатчи» 52 (129)-сон 2007 йил 28 декабрь

**Rutrans & Partners**
www.rutransenpartners.com
Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
Тел.: (+99871) 250-7951, 250-2086, (+99890) 325-6043
e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru



Ишчи ва махсус кийим
Ишчи ва махсус пойабзал
Ёнғинга қарши ускуналар
Махсус кийим аксессуарлари
Шланглар ва бутловчи қисмлар
Товар сертификатланган

## INTER-PRESS – 2008

### КУРЬЕР ЧОРШАНБА КУНЛАРИ КЕЛАДИ

**Ватанимиз пойтахтида «ИНТЕР-ПРЕСС» ахборот агентлиги (АА) томонидан ноёб прецедент юзага келтирилди. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи нашрларига обуна бўлган унинг мижозлари ўз газеталарини «Матбуот тарқатувчи» шохобчалари ва Тошкентдаги чакана савдо тармоғида пайдо бўлишидан бир кун олдин олмоқдалар.**

Янги босмадан чиққан, ҳали босмахона бўёғи қуримаган «Частный Сектор» ва «Пресстиж-ТВ» газеталарини «ИНТЕР-ПРЕСС» АА обуначилари ушбу таниқли нашрлар шаҳарда пайшанба кунидагина пайдо бўлгани ҳолда ИНТЕР-ПОЧТА курьерининг қўлидан чоршанба куни оладилар. Компания ходимларининг сўзларига қараганда, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ – буларнинг бари замонавий, автоматлаштирилган логистика ва бевосита ношир билан аниқ-пухта ҳамкорликни ўз ичига оладиган режали иш натижасидир.

Дарвоқе, «ИНТЕР-ПРЕСС» агентлигининг «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи билан ҳамкорлиги нашрни ўқувчига етказиш тезкорлигини ошириш иши билангина чекланмайди. Кейинги йилдан бошлабоқ ИНТЕР-ПРЕСС обунаси орқали севимли газетага содиқ қолиш иқтисодий наф ҳам келтиради. 2008 йилда «ПРЕССТИЖ» журналига (рекламали) обуна нархи иккала компаниянинг саъй-ҳаракати туфайли 2007 йил даражасида сақланиб қолади, бу эса чамбарчас ва ўзаро фойдали ҳамкорликдан далолат беради.

Эслатиб ўтамиз, «ИНТЕР-ПРЕСС» АА Ўзбекистон бозорида етакчи ўрин эгаллаб, ўз бизнесини замонавий ахборот ва маслаҳат сервиси сифатида қуради. Мутахассисларнинг малакали маслаҳатлари – компаниянинг ўзига хос ташриф қоғози бўлиб, у энг йирик маҳаллий ва хорижий нашриёт уйлари тақдим этадиган кенг мавзу доирасидаги босма маҳсулотни тақдим этади. Булар китоблар, амалий тусдаги даврий нашрлар, шунингдек турли-туман соҳаларга қизиқувчи кишиларнинг талабларига жавоб берувчи турфа хил нашрлардир.

**INTER-PRESS**
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
**КОРПОРАТИВ ОБУНА**
100011, Ўзбекистон, Тошкент, Навоий кўч., 13
Тел./факслар: (998 97) 119 00 00, 144 22 21
Тел.: (998 97) 119 83 83, 155 09 55
E-mail: book@interpress.uz
Http:// www.interpress.uz

"ART-FLEX" МЧЖ
**ҲАММАСИ ОФИС УЧУН**
- КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ КУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
- ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
- ТЕЗТИККИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
- ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
- ЭЛЕКТР ХЎЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597
PR_249_07

**ФИТОВИТ**
**Ақлий ва жисмоний иш қобилиятини ошириш учун ўсимлик экстрактларининг мақбул бирикмаси**

**Руҳан зўриқишга қарши таъсири:** *Сурункали чарчоқдан халос қилади*
**Иммунитетни оширишга таъсири:** *Иммунитетни мустаҳкамлайди*

**Тетиклантирувчи таъсири:**
- *Иш қобилиятини оширади*
- *Хотирани яхшилайди*
- *Қувватни оширади*

**Қувват бериш таъсири:**
- *Иштаҳани кучайтиради*
- *Овқат ҳазм бўлишини яхшилайди*
- *Ёш болаларнинг ўсишини рағбатлантиради*
- *Оғир касалликлардан кейин оёққа туришда ёрдам беради*



Товар сертификатланган

**ARHAT graphics**
Дизайндан тайёр клишегача тайёрлаш бизнинг ишимиз!
Паст нархлар, юқори сифат!
- Флексограф босма учун полимер қолиплар (босма клише) тайёрлаш
- Фотопленкаларни чиқариш
- Дизайн ишлаб чиқиш
- Флексограф босма учун файлга босмагача ишлов бериш

Хизматлар лицензияланган
E-mail: cmyk@arhat-group.com
www.arhat-group.com
Тел./факс: (99871) 144 07 04, 144 84 83, 142 70 50, 142 79 13.

PR_564
**"ALFA-DENT" ХФ**
клиникалар тармоғи
- Тишларни даволаш ва протезлаш
- Юзнинг косметик жарроҳлиги, пирсинг

Тел.: 152-37-33, 54-24-24
Госпитал бозор ёнида ЦУМ ёнида
Хизматлар лицензияланган



**AGATA IMPEX LTD**
TOSHIBAнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОРИ
**ноутбукларнинг бутун модель қатори**
**TOSHIBA** Leading Innovation
СУМКАЛАР
ПРОЕКТОРЛАР




НОУТБУГИНГИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ
Кафолат 2-3 йил
Руслаштирилган лицензион Windows XP дастурий таъминоти
ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН ВА ЎТА ЕРКИНЛИК
Тошкент ш., 100000, Шаҳрисабз кўч., М-1"Б" (мўлжал – собиқ "ТАТА" меҳмонхонаси)
Тел.: 133 0500, 136 0779, 136 0784
Факс 136 7902
E-mail: agata@agatagroup.com
www.agatagroup.com
Товар сертификатланган

Poligraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

**www.pc.uz** - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф
Телефон 132-18-84.

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

